

- В) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида «Таъминотчи»га хабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;
- д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

- а) «Истеъмолчи»дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли хакни тулашини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни «Истеъмолчи»дан талаб қилишга ҳақлидир;
- в) унинг вакили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд бўлганда электр ҳисоблагичларни қуриб текширади;
- г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
- б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясинн электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига етказиб бериш;
- в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш 3-иловага мувофиқ;
- г) электр энергиясининг «Истеъмолчи»га узлуксиз («Электр ускуналарининг қурилма қоидалари» 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
- д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тугрисида «Истеъмолчи»ни қаида 3 сутка олдин огоҳлантириш;
- е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул қуймаслик ва «Истеъмолчи»га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини ҳабар қилиш;
- ж) «Истеъмолчи»га электр ҳисоблагичларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини ҳабар қилиш;
- ж) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг жорий этилиш ҳажми ва вақтини курсатган ҳолда 0,5 қун олдин ҳабар қилиш;
- з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда «Истеъмолчи»га билдириш.
- и) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12-январдаги 22-сонли электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида ҳисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Қарорига 2-илова) риоя қилинсин.

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 5 999 994 (Беш миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўрт ) сумни ташкил этади. Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. *(зарур бўлмагани учирилади)* Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6 сонли иловаларда берилади.